



Нодирбек КОМИЛОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
Фаргона филиали декан ўринбосари
E-mail: n_komilov@inbox.ru

ТТА Фаргона филиали доценти, т.ф.н Солиев У.А тақризи асосида

THE ROLE OF OBIDJON MAHMUDOV IN THE FORMATION OF THE KOKAND STOCK SOCIETY

Abstract

In this article, information on the life and activities of the leader of Kokand jadids, publisher and geologist scientist Obidjon Abdukholik Ogli Makhmudov (1871-1936) was published on the basis of archive sources. Along with the description of the fact that the scientist carried out great reforms for the development of our homeland, people, witnessed the glorious history of our country, the scientist's enthusiasm in the organization of the Kokand birja society, his activities and views that do not meet in our history as a great entrepreneur and political figure are reflected.

Key words: jadid, Turkestan autonomy, Obidjon, publisher, tsarist Russia, enlightenment, economic independence, young Bukhara youths.

РОЛЬ ОБИДЖОНА МАХМУДОВА В ФОРМИРОВАНИИ КОКАНДСКОГО БИРЖЕВОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация

В статье на основе архивных источников представлены сведения о жизни и творчестве вождя кокандских джадидов, издателя и геолога Обиджона Абдухолика оглы Махмудова (1871-1936). Ученый рассказал о великих реформах, проводимых для развития нашей страны и народа, а также о славной истории Кокандской фондовой биржи.

Ключевые слова: джадид, Туркестанская автономия, издатель, царская Россия, просвещение, экономическая независимость, молодежь Бухары.

ЌЎҚОН БИРЖА ЖАМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИДА ОБИДЖОН МАХМУДОВНИНГ ЎРИИ

Аннотация

Ушбу мақолада Қўқон жадидлари етакчиси, ношир ва геолог олим Обиджон Абдухолик ўгли Махмудов (1871-1936) ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар архив манбалари асосида chop этилган. Олимнинг Ватанимиз, халқимиз тараққиёти учун улкан ислохотлар амалга оширгани, юртимизнинг шонли тарихига гувоҳ бўлгани, олимнинг Қўқон биржа жамиятини ташкил етишдаги пижвоати, унинг буюк тадбиркор ва сиёсат арбоби сифатида тарихимизда учрамайдиган фаолияти ва қарашлари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: жадид, Туркистон мухторияти, ношир, подшо Россияси, маърифатпарварлик, иқтисодий мустақиллик, ёш бухороликлар.

Кириш. Маълумки, тарихимизни объектив ўрганиш, мамлакатимизда илм-фаннинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, фан - техниканинг муҳим илмий ҳамда технологик муаммоларини ҳал этишда йирик алломаларимизнинг бой меросидан фойдаланиш, уларнинг номини қайта тиклаш – бош мезонга айланиши баробарида, уларнинг ҳаёт йўллари ва ижодини ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев халқнинг бебаҳо миллий бойлиги ҳисобланган ва ота –боболаримизнинг минглаб қўлёзмаларини илмий асосда ўрганишга даъват этиб: «Буюк алломаларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, хотирасини абадийлаштириш барчамизнинг – асосий мақсадимиз бўлиши лозим, - деб бежизга таъкидламаган эди [1]. Дарҳақиқат, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалоқатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир, чунки у орқали дунёни обод этишга, инсонни жаҳолат ва хурофот ботқоғидан олиб чиқиб кетишга, унинг маънавий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мумкин. Зеро, “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қаппоқлик – бу билимсизликдир” [2]. Шу маънода, бугун мамлакатимизда миллий тараққиётпарварлик ҳаракати бўлган жадидчилик, унинг ижтимоий-сиёсий асосларини, уларни

ҳаракатлантирувчи тарихий фигураларни ўрганиш – ҳар қачонгидан ҳам долзарб мавзуга айланди.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Умуман олганда, Туркистон ва Қўқондаги миллий тараққиётпарварлик ҳаракатининг аҳамияти ва унда Обиджон Махмудовнинг ўрни тўғрисида чет эл олимлари ҳам тадиқот олиб борганлар. Хусусан, Адиб Халид “Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note” номли мақоласида Туркистон жадидларининг етакчилари қаторида Обиджон Махмудовни санаб ўтади[3].

“Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia” номли мақоласида эса “Садойи Фаргона” газетасининг халқни маърифатли қилиш борасидаги ўрнини кўрсатади [4].

Холид Адиднинг “The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia” номли яна бир китобини, том маънода Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ривожланиши, шунингдек, таълим тизими мукамал ёритилган асарлардан бири, дейиш мумкин. Сабаби муаллиф ушбу асарда ҳаракатнинг ўзига хос жиҳатлари ва етакчилари тўғрисида кенг фикр билдирган. Айниқса, янгиланган жамиятда матбуотнинг халқ тафаккурига ижобий таъсир этишини “Садойи Фаргона” ва “Садойи Туркистон” газеталари ҳамда уларда берилган мақолалар билан исботлагани диққатга сазовордир. Бу борада муаллиф О.Махмудов фаолиятига ҳам тўхталиб ўтган [5].

Бадан Фулнинг "Socio-cultural reform movement in Central Asia" номли мақоласида айнан жадидчилик Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллиги йўлида катта тарихий воқеа бўлганлигини ва бу ҳаракат кейинчалик пост совет давлатларини вужудга келтиришда асосий фундамент бўлганлигини таъкидлайди [6].

Балдауф И. «Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World» номли мақоласида эса жадидлар ҳаракатининг бир жойда тўхтаб, ривожланмай қолган қарашларга қарши янги бир йўналиш сифатида вужудга келганлиги кўрсатилган. Қолаверса, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Обиджон Маҳмудов ва бошқа тараққийпарварларнинг ноширлик фаолиятига тўхтаб ўтилган. Хусусан, О.Маҳмудов подшо Россияси томонидан Туркистонда ташкил этилган турли банк ва биржалари мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қарам қилаётганлигини таъкидлайди [7].

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Тарихшунослик нуқтайи назаридан олиб қараганда, Обиджон Маҳмудов ҳам жадидчиликнинг йирик сиёсий ҳаракатга айланишидан тортиб, давлатчилик шаклланишигача бўлган босқичларини ўз бошидан кечирган йирик давлат арбоби эди. Унинг феномени шунда эдики, у нафақат вазир ёки ношир сифатида, балки иқтисодий муаммоларни кўра билган йирик филантроп сифатида ҳам катта муваффақиятга эришган. О.Маҳмудов ёшларга қарата диний, ҳам дунёвий билимларни эгаллаш, Шарқ ва Ғарб маданиятининг чуқур билимдони бўлиш лозимлигини ўзи ташкил қилган "Садойи Фаргона" газетасидаги мақолаларда кўрсатиш


баробарида Туркистоннинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш, савдо соҳасини тартибга солиш каби муаммоларни ҳам ёритган. Бундан ташқари, Маҳмудов Туркистон учун янгилик бўлган биржа ва биржа жамиятларининг асосчиларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).


Архив манбаларига назар ташлайдиган бўлсак, Обиджон бошчилигидаги бир гуруҳ сармоядорлар 1906 йил 15 ноябрда Қўқон биржа жамиятини ташкил этишган. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида бир қанча хужжатлар мавжуд.

Унга кўра, 1907 йил 9-январда биржа жамияти раиси А.И. Вегель ва Обиджон Маҳмудов бошчилигидаги 60 нафар аъзолари Фаргона вилояти ҳарбий губернатори Покотило Василий Иванович (10.12.1904-28.07.1907) номига Қўқон биржа жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги ариза ва баённомани илова қилиб хат орқали жўнатилганда ҳамда "жаноби олийлари"дан ушбу жамият фаолиятига рухсат беришликни сўрашади.

Хатга келтирилишича, жамиятнинг 60 нафардан иборат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан, 1906 йил 15 ноябрда Қўқон шаҳрида йиғилиб, Қўқон биржа жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқишади. Ушбу йиғилишда биржа жамиятининг Низоми ишлаб чиқилиб, аъзолик бадаллари ҳам киритилади. Жамият аъзолари 1907 йил 2-январ куни ҳам йиғилишиб, Низомнинг 46-бандига кўра, жамият аъзоларининг 2/3 қисми биржа жамиятини ташкил этиш учун овоз берганини эълон қилишади.




Қўқон биржа жамияти аъзоларининг 1906 йил 15 ноябрдаги баённомаси [8].



Биржа жамияти аъзоларининг Фаргона вилояти ҳарбий губернатори В.И.Покотило номига юборган хатлари (59 – рақамда Обиджон Маҳмудов номи ҳам кўрсатилган) [9].

Кейинчалик 1907 йилда Фаргона вилояти ҳарбий губернатори №2299 сонли хат билан Россия императори


Николай II номига хат йўлаб, биржа жамияти тузилганлиги тўғрисида ҳисобот беради.



Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг Россия императори Николай II га юборган маълумотномаси [10].


Қолаверса, биржа жамияти фаолияти учун Низом ишлаб чиқилган бўлиб, уни тайёрлашда О.Маҳмудовнинг ҳиссаси катта бўлган. Хусусан, у рус бойларидан И.Ларин, А.Смирнов, Р.Рибаков, А.Увальев, А.Коротковлар, шунингдек, ўзбек филантропларидан А.Самандаров, И.Қосимбеков, Мулла Бобожон Шарифбоев, Мулла Сулаймоиқул Байбачи каби яқин дўстлари билан бу ишга бош-қош бўлган. Ушбу низомда

жамиятнинг мақсад ва вазифалари, очиқ биржа савдоларини ўтказиш, Туркистонга кириб келаётган маҳсулотларнинг ягона нархини белгилаш, нархларни сунъий ошишига йўл қўймаслик каби масалалар кўрсатилган. Фикримча, бу билан Маҳмудов Подшо Россиясининг Туркистондаги иқтисодий сиёсатидан хабардор бўлиб туришни мақсад қилган.



Қўкон биржа жамиятининг 1906 йил 15 ноябрда тузилган Низоми [11].

Юқоридаги принциплар асосида жамиятнинг маҳаллий миллатга мансуб вакиллари биржа савдоларида русларнинг ноқонуний ҳаракатларини тартибга солиб туришган. Қолаверса, иқтисодий нуқтайи назардан, Туркистонда ташкил этилиши лозим бўлган мухториятнинг иқтисодий асосларини барпо этишган.



Обиджон Маҳмудовга тегишли гильдия [12].

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Туркистонда маърифатпарварликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шахс сифатида О.Маҳмудов миллатнинг яшаши, тараққий топиши учун курашган, биржани шунчаки сотиш ва сотиб олиш учун эмас, балки Туркистон иқтисодиётининг муҳим қисми бўлиши учун ҳаракат қилган тараққийпарвар ва зиёли инсон эди.

Энг муҳими, йирик давлат арбоби ва геолог олим Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов фаолиятини ўрганиш ҳамда кенг жамоатчилик учун етказиш – ўсиб келаётган ёш авлодни ўз тарихига бўлган қизиқишини янада орттиришига сабаб бўладиган муҳим омил ҳисобланиши баробарида мамлакатимизнинг юксак тараққиётига ҳам сабаб бўлади, деган умиддаман. Зеро, тарихий хотирасиз – келажак ҳам йўқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. -Т.: «Ўзбекистон», 2017.
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатнома//Халқ сўзи, 2020 йил 24-январь. № 6. – Б.1-2.
3. Khalid A. Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note // Central Asian survey. 1992. №11. –Б.113.
4. Khalid A. Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia // International Journal of Middle East Studies. 1994, № 2 -В.187-200
5. Khalid A. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York: "University of California press", 1999. –В.97-98.
6. Phool Badan. Socio-cultural reform movement in Central Asia// The Journal of Central Asian Studies, 2016. № 1.–В.10
7. Baldauf I. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World// Die Welt des Islams New Series, 2001. Vol. 41, -В.72-88.
8. ЎзР МДА, 29-фонд, 1-руйхат, 26684-иш, 23,25 –вароқлар.

9. ЎзР МДА, 29-фонд, 1-руйхат, 26684-иш, 26,27 –вароқлар.
10. ЎзР МДА, 29-фонд, 1-руйхат, 26684-иш, 4,5 –вароқлар.
11. ЎзР МДА, 29-фонд, 1-руйхат, 26684-иш, 6,8 –вароқлар.
12. Гильдия – подшо Россиясида савдогарларнинг мулкый ҳолатига қараб тоифаларга бўлиниши. Асосан, биринчи ва иккинчи даражали гильдияга бўлинган.